

Ўзбекистон тарихини ўқитишда орийлар муаммоси

Жўраев И., ГулДУ ўқитувчиси

Марказий Осиё чорвадор қабилаларининг маданиятлари, уларга тегишли археологик ёдгорликлар шўролар даврида кенг ўрганилган. Улар махсус илмий адабиётларда кенг ёритилган. Чорвачилик хўжалигининг пайдо бўлиш тарихий илдизлари, унинг тадрижий ривожланиш босқичлари бой археологик манбалар асосида ёритилган. Ушбу мавзунинг ёритишга асос бўлган моддий маданият манбалари асосан Марказий Осиё даштларидан йиллар давомида топиб ўрганилган археологик объектлар ва қадимги Хитой ёзма манбаларининг қиёсий таҳлиliga асосланган бўлиб, уларни илмий муомалага киритишда шўро даври тарихшунослигида бир ёқламалик ҳукм суриб келди. Биринчидан, панэронистик ғоялар Евроосиё дашт аҳолиси қадимги тарихини ёритишда бош ғоя ролни ўйнади. Иккинчидан, тарих фанида жанубий-шарқий Ўрол орти минтақаларидан Россия археологлари томонидан бронза даврига оид Синташта ва Аркаим каби археологик ёдгорликлар комплексларини очиб ўрганишларига қадар Евроосиёда кўчманчи чорвачиликнинг пайдо бўлишининг илк темир даври билан боғлаб келинди. Учинчидан, Авесто маълумотларига асосланиб Евроосиё даштлари чорвадорларининг милоддан аввалги II-минг йиллик ўрталаридан жанубга миграцияси туфайли Эрон ва шимолий Ҳиндистон вилоятларига эроний тил кириб келиб, маҳаллий аҳолининг тилига айланди деб келинди. Тўртинчидан, кейинчалик у тил ворислари келиб ўрнашиб қолган жойлар Авестода Ариана номини олди. Эрон эса Ариананинг янги шаклидир.

Тарихда Ариана термини нафақат ҳозирги Эрон ҳудуди, балки қадимги эроний тиллар тарқалган географик кенглик маъносида тушинилган. Қадимги Хитой ёзма манбаларининг бронза даври археологик материаллари билан қиёсий таҳлили Авесто эронийларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари туркий бўлганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, археологик материаллар ва қадимги Хитой ёзма манбаларининг янги қарашлар ва ёндашувларга асосидаги илмий таҳлили ва талқинига асосланган академик А.Асқаровнинг фикрига кўра, “Орий” термини дастлаб ижтимоий маънода, кейинроқ эса чорвадор орийлар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетгач, янги этник мазмун ва маъно касб эта бошлади. Улардан сон жиҳатидан бир неча марта кўп бўлган маҳаллий аҳоли тили таъсирида секин-аста ўз туркий тилини унитиб, эронийлашиб кетадилар. Шундай қилиб, милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярми ва I-минг йилликнинг ўрталаригача юз берган тарихий жараёнларнинг мантиқий ҳулосаси шуки, ахамоний подшоларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари туркий орийлар билан боғлиқ эди. Улар кўп ўтмай маҳаллий аҳоли тил муҳити ва маданияти таъсирида эронийлашадилар. Шунинг учун ҳам Кир II ва Даро I қоятошларга битилган китобаларида ўзларини “ҳақиқий орий” эканликларини алоҳида таъкидлайдилар. Нафақат улар, ҳатто кушон подшолари Рабатас битигига кўра, ўзларини асли зоти орий, яъни туркий эканлигига ишора қилади. Шунинг учун ҳам Парс подшолари ахамонийлар ўзларининг келиб чиқиш илдизларини орийлар билан боғлайдилар. Бронза даври чорвадор қабилалари маданиятини Амударё куйи ҳавзалари ёдгорликлари мисолида кенг ўрганган С.П.Толстов ва М.А.Итиналар Тозабоғёб маданиятининг аҳолиси маҳаллий сувёрган маданиятидан фарқли ўлароқ ўзга этник гуруҳларга тегишли эканликларини қайд қиладилар. Тозабоғёб маданиятининг тарихий илдизлари бронза даврида Қозоғистон чўллари, Жанубий Сибир, Тоғли Олтой даштларида яшаган Андронова қабилалари билан қон-қариндош эканликларини илмий исботлаганлар. Бу фикрга биз ҳам тўлиқ қўшилган ҳолда таъкидлаймизки, улар тил жиҳатидан аввалги тасаввурларга зид ўлароқ, Хитой ёзма манбалари таҳлиliga кўра, туркийда сўзлашган бўлишлари мумкин.

Демак, милoddан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарида бу заминга Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий районларидан кириб келган Тозабог'ёб қабилалари аслида туркий тилли Андрoнова маданияти жамоалари бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Милoddан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярми давомида улар Ўрта Осиёнинг чўл ва даштларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келиб жойлашадилар. Дастлаб улар маҳаллий аҳоли эгалламаган ҳудудларни эгаллайдилар, сўнг секин – аста уларга яқинлашиб, улар билан ўзарo алоқаларни ривожлантирадилар, кўп ҳолларда улар билан аралашиб яшай бошлаганликлари ҳақида археологик материаллар гувоҳлик беради (Жарқўтон, Тегузак, Конғурттут). Охир оқибатда, улар бир-бирлари билан қон-қариндошлашиб, сўнгги антик даврга келганда икки тил соҳибларининг чегара районлари бўлиб келган Сирдарёнинг куйи ҳавзалари туркий қабилаларнинг ҳар жихатдан устунлигини таъминлаган минтақага айланади, илк ўрта асрларга келганда эса нафақат шимолий-шарқий, балки шимолий-ғарбий ва марказий ҳудудларни ҳам камраб олган турк-суғд этносиёсий майдонни шаклланишига олиб келади. Қадимги Турон ўлкасида жадал кечган этногенетик жараёнлар туфайли жанубий Туроннинг кўпчиллик аҳолиси туркий қавмлардан ташкил топган Туркистон ўлкасига айланади.

Адабиётлар:

1. Аскарoв А. Памятники андрoновской культуры в низовьях Зарафшана. ИМКУ , вып.3, -Т.; 1962.
2. Аскарoв А. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. “Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда”. -Т.; 2005. 76-77 бетлар.
3. Аскарoв А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -Т.; Университет. 2007.
4. Грязнов М.П. Племена Сибири и Казахстана в эпоху бронзы. «Очерки истории СССР» -М.; 1956.
5. Грязнов М.П. Этапы развития хозяйства скотоводческих племен Казахстана и Южной Сибири в эпоху бронзы. КСИЭ, 26, стр. 21-28. -М.; 1957.
6. Грязнов М.П. Некоторые вопросы история сложения и развития ранних кочевых обществ Казахстана и Южной Сибири. КСИЭ, 24, -М.; 1955. стр.19-29.
7. Зданович Г.Б. Бронзовый век Урало-Казахстанских степей. –Челябинск; 1988.
8. ИтинаМ.А. История степных племен Южного Приаралья. -М.; 1977.
9. Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен андрoновской общности и происхождение индоарийцев. М.; 1994.
10. Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. -М.: -Л.; 1960.
11. Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва-1948 стр. 67; Его же. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М.; 1962. стр.59.
12. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. -М.:1977, стр. 43-44.